

**«ТАСДИҚЛАНГАН»**

**Кузатув кенгаши томонидан**

20 \_\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги

\_\_\_\_\_ -сон баённома



**Т.Х. Худойбердиев**

**М.У.**

**«ОҚТОШ ДОН» АЖнинг**

*(ташкilot номи)*

**2026 йил учун**

**БИЗНЕС РЕЖАСИ**

Давлат номидан акциядор  
(иштирокчи, таъсисчи) функциясини  
бажарувчи ташкilot номи

“Оқтош дон” АЖ

Идоравий мансублиги

“Давлат активлари кўмитаси”

Почта манзили, е-хат манзили  
*(ёки электрон почта манзили)*

e-mail: [oqtoshdon@mail.ru](mailto:oqtoshdon@mail.ru)

СТИР

200718864

Ижроия органи раҳбари

Б. Н. Сатторов

Бош бухгалтер

М. З. Дониёров

# МУНДАРИЖА

## **I. Корхона тўғрисида умумий маълумот**

- 1.1 Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти);
- 1.2 Корхона тарихи, охириги йилларда эришган ютуқлари;
- 1.3 Ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати;
- 1.4 Корхона ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот;
- 1.5 Корхона бошқарув ва ижроия органи аъзолари тўғрисида маълумот, ижтимоий ҳимоя;

## **II. Корхонани ислоҳ қилиш**

- 2.1 Истиқболли ривожланиш стратегияси;

## **III. Бозор ва маркетинг режаси**

- 3.1 Бозор таҳлили
- 3.2 Маҳсулотнинг асосий истеъмолчилари, таркиби
- 3.3 Рақобат
- 3.4 Маркетинг режаси

## **IV. Энерго ресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи**

- 4.1. Қувватларни модернизация ва реконструкция қилиш орқали энергияни тежаш ва самарадорликни ошириш бўйича Техник сиёсати

## **V. Кўрсаткичлар**

### **5.1. Ишлаб чиқариш режаси**

- 5.1.1 Хомашё захираси;
- 5.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари

### **5.2. Молиявий режа**

- 5.2.1. Жорий (2 йиллик) молиявий кўрсаткичлар
- 5.2.2. Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)
- 5.2.3. Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози)
- 5.2.4. Давлат бюджетига тўловлар прогнози

## **6. Самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари (KPI)**

## **7. Иш хақи тўлаш тизими**

## **8. Хулоса**

# I. Корхона тўғрисида умумий маълумот

## I.1. Корхона реквизитлари (умумий маълумотлар, корхона паспорти)

№	Кўрсаткич номлари	Маълумот
1	Корхонанинг номи	“Oqtosh don” AJ
2	Ташкилий-ҳуқуқий шакли	Акциядорлик
3	Фаолият тури	Дон маҳсулотларини қабул қилиш ва уларни қайта ишлаш
	Тармоқ	Саноат
	Юридик манзили	Самарканд вилояти, Нарпай тумани, Жаббор Мирзаев кучаси 2-уй
	Устав капитали (сўм)	936 299 760,0
	Чиқарилган акциялари (дона)	1 418 636
	Битта акциянинг белгиланган нархи (сўм)	660
	Акциядорлар:	
	-«Ўздактив» Агентлиги улуши /%/	35.49
	-юридик шахслар улуши /%/	23.82
	- жисмоний шахслар улуши /%/	40,69
	Статистик таснивлари	Барқарор
	СТИР	200 718 864
	Ҳисоб рақами	20208000300193765001
	Хизмат кўрсатувчи банки	“Агробанк” Нарпай филиали
	МФО	00267
6	Телефон	+99866 240 1075
7	Факс	+99866 240 1075
8	Раҳбар	Саттаров Бахтиёр Нуриддинович
9	Умумий майдон /гектар/	13,2
10	Ишлаб чиқариш майдони ҳаммаси/минг. кв. м/	8,8
10а	Улардан ишлатилаётгани/минг. кв. м./	-
11	Ишлаб чиқариш қуввати % да (2025 йил 9 ойда)	20%
12	Барча ходимларнинг умумий сони	90
13	Хусусийлаштирилган сана	04.04.1995 й.
20	Жорий активлар /минг. сўм/	160 634 802.0
	Соф актив (минг сўм)	17 700 000
21	Асосий воситалар қиймати /минг. сўм/	25 499 230.0
22	Кредиторлик қарздорлик. жами /минг. сўм/, жумладан тўлов муддати 90	21 139 912.0 -

	кундан 190 кунгача; 190 кунгача ўтказиб юборилган ;	-
23	Дебиторлик қарздорлик. жами /минг. сўм/ жумладан тўлов муддати 90 кундан 190 кунгача ва 190 кунгача ўтказиб юборилган	95 354 779.0 -
24	2025 йил 9 ой якуни бўйича соф фойда /минг. сўм/	24 233.0

### *1.2. Корхона тарихи, охириги йилларда эришган ютуқлари*

Акциядорлик жамиятининг умумхўжалик фаолиятини бошқариш учун ишлаб чиқиладиган бизнес-режанинг асосий мақсади жорий йил корхона фаолиятини таҳлил қилиш ва ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришни ривожлантириш тадбирларини тайёрлашдан иборат. Қолаверса, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ун, омихта ем ва уруғлик ғалла тайёрлашда эришиладиган натижа якунлари миқдорини олдиндан кўра билиш ва кутилаётган соф фойдани корхона фаолиятини ривожлантириш ҳамда акциядорлар билан тақсимлаб олиш муҳим ўрин касб этади.

«Оқтош дон» Акциядорлик жамияти 1989 йилда ташкил этилиб, «Оқтошдонмаҳсулотлари» корхонаси деб юритилган. Биринчи бўлиб, суткасига 300 тонна бўғдойни қайта ишлайдиган тегирмон цехи ва 1992 йилда суткасига 630 тонна омихта ем ишлаб чиқарадиган иккинчи цехи ишга туширилди. 1995 йил 4 апрелда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкани бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш кўмитаси Самарқанд вилояти бошқармасининг №101 К-ПО буйриғига асосан «Оқтошдонмаҳсулотлари» корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилиб, «Оқтош дон» очик турдаги акциядорлик жамияти (ОТАЖ) деб юритила бошлади.

2011 йилда «Оқтош дон» АЖга қарашли Иштихон уруғчилик цехи ишга туширилди.

2014 йилда суткасига 200 тонна бўғдойни қайта ишлаб, олий, биринчи ва иккинчи навли ун ишлаб чиқарадиган иккинчи тегирмон ишга туширилди.

### *1.3. Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолати*

«Оқтош дон» Акциядорлик Жамияти ишлаб чиқариш цехларининг суткалик лойиҳавий ишлаб чиқариш қуввати қуйидагича;

— **«Оқтошдон» АЖ**

Тегирмон - 2 200 т/сутка бўғдой

Омихта ем 291 т/сутка ем

— **Иштихон уруғчилик цехи**

Уруғлик дон 200 т/сутка сара уруғ

Самарканд вилояти Нарпай, Пахтачи, Иштихон, ва Қўшрабод туманлари фермерларини ғалласини қабул қилиб олиш учун жамиятга қарашли Иттифок ДҚҚМ, Иштихон ДҚҚМ ва Қўшрабод ДҚҚМлари мавжуд.

«Оқтош дон» А.Жга 3 та туман фермер хўжаликлари ва ғалла кластерларидан шартнома асосида ғалла қабул қилинади.

Акциядорлик жамиятимизнинг қабул қилинган Низомида қуйидаги фаолиятлар билан шуғулланиши қайд этилган:

- Олий, I, II навли ун, кепак ва омихта ем маҳсулотлари ишлаб чиқариш;
- улгуржи ва чакана савдо фаолияти билан шуғулланиш;
- ташки иқтисодий алоқаларни амалга ошириш учун ўз маҳсулотини экспорт қилиш ва четдан инвестициялар киритиш;
- аҳоли ва ташкилотларга пулли хизмат кўрсатиш;
- қишлоқ хўжалик корхоналарига уруғлик дон тайёрлаб бериш.


### 1.3. Ишлаб чиқариш қувватидан фойдаланиш даражаси

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Қуввати (йиллик)	Қувватдан фойдаланиш			
				2024 й.	%	2025й. (кутилаётган)	%
1.	Ун	Тонна	45 000	1946	4	823	1.8
2.	Омихта ем	Тонна	87 000	850	1	-	0
3.	Уруғлик дон	Тонна	6 000	1931	32	2008	33

Корхонанинг йил давомида ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш ҳолатини таҳлил қилсак, ушбу жадвалдан ҳам кўриниб турибдики, ун маҳсулотларини ишлаб чиқариш 2024 йилда режага нисбатан 4 фоизни, омихта ем ишлаб чиқариш 1 фоизни, уруғлик дон тайёрлаш 32 фоизни ташкил этган. 2025 йил якуний кутилиши бўйича эса, ун ишлаб чиқариш бўйича 1,8 фозни, омихта ем ишлаб чиқариш бўйича 0 фоизни, уруғлик дон таёрлаш бўйича эса 33 фоизни ташкил этипти. Натижада қувватлардан фойдаланиш йил сайин пасайиш тенденциясини кўрсатди. Бундай ҳолатнинг сабаби, хусусий тадбиркорларга имтиёзлар берилиб, рақобатни кучайганлигининг таъсиридир.

1.4. Корхонанинг ташкилий ва ижро этувчи аппарати бошқаруви тузилмаси, тармоқ корхоналари тўғрисида маълумот

Корхонанинг ташкилий тузилмаси



**1.5. Корхонанинг бошқарув ва ижроия орган аъзолари тўғрисида  
маълумот**

№	ФИШ	Ловозими (иш жойи), фаолият кўрсатиш даври	Корхонадаги улуши
<b>I. Акциядорлар (иштирокчи, мулкдор)</b>			
1.	Акциядор (иштирокчи, мулкдор)		Акциядорлар: <ul style="list-style-type: none"> <li>▪ “Ўздавактив” агентлиги - 35.49% (503612 дона акция)</li> <li>▪ Юридик шахслар – 23.82% (337821 дона акция)</li> <li>▪ Жисмоний шахслар – 40.69% (577203 дона акция)</li> </ul>
<b>II. Кузатув кенгаши аъзолари</b>			
2.	Мустафакулов Умиджон Пўлатович	Давлат активларини бошқариш агентлиги ходимлари	-
3.	Ўралов Шерзод Иноятуллаевич		-
4.	Сатторов Абдулазиз Тугалович		-
<b>III. Ижроия органи</b>			
5.	Сатторов Бахтиёр Нуриддинович	Бошқарув раиси, (2024 йилдан)	-
6.	Ибодов Зойир Саъдуллаевич	Бошқарув раисининг ишлаб чиқариш бўйича ўринбосари (2025 йилда)	-

**II. Корхонани ислох қилиш**

**2.1. Истиқболли ривожланиш стратегияси**

**Қисқа муддатга:**

- Ун маҳсулотларини бозордаги мавқеини мустаҳкамлаш;
- Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш;

**Ўрта муддатга:**

- Худудий бозор улушини 15 фоиздан 30 фоизга ошириш;
- Ҳар хил қадокланган маҳсулот етказиб бериш ҳажмини ошириш;
- Ун маҳсулотларини экспорт қилиш турларини ишлаб чиқиш.

**Узоқ муддатга:**

- Рентаблликнинг барқарор ўсишини таъминлаш (ҳар йил ўртача 10 фоиз);
- Ишлаб чиқариш ўсиш суратларини 110 фоизга оширишни таъминлаш;

- Мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан максимал даражада фойдаланишни таъминлаш;
- Ишлаб чиқарилган маҳсулот тан нарххини таҳлил қилишнинг самарали тизимини яраиш ва ундан фойдаланиш;

#### **Маркетинг соҳасида:**

- Сотиш ҳажмининг ўтган йил даражасига нисбатан 10 фоизга ўсишини таъминлашда ички бозорда ўз ўрнини сақлаб қолиш

#### **Молиявий секторда:**

- Корхонани тўлов қобилиятини ошириш;
- Белгиланган соф фойда параметрларини бажарилишини таъминлаш;
- Молиявий барқарорликни ошириш;
- Капитал айланмасини ошириш.

### **III. Бозор ва маркетинг режаси**

#### *3.1. Бозор таҳлили*

"Оқтош дон" акциядорлик жамияти барча ишлаб-чиқарилган маҳсулотларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва Ҳукумат қарорларига асосан четга экспорт қилиши мумкин.

Жамиятда ишлаб чиқарилаётган ун маҳсулотининг асосий истеъмолчилари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқувчи корхоналар ҳамда чакана савдо ташкилотлари хисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг № 57 сонли "Товар ва хом ашё материалларни сотилиш механизмларини такомиллаштириш" ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ва Адлия Вазирлигидан 07.01.2011 йилда №2178-сон билан рўйхатдан ўтган "Маҳсулотларни биржа савдоларига қўйиш ва қайта қўйиш тартиби"га асосан сотиш йўлга қўйилган.

Жамият маркетинг, савдо ва экспорт бўлими доимий равишда ички бозорни мониторинг қилиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот миқдори, сифати ва турларини истеъмолчилар талабига мос келишини таҳлил қилиб боради.

Жамиятнинг маркетинг, савдо ва экспорт бўлими доимий равишда ички ва ташқи бозордаги маҳсулотларнинг сотиш бўйича маҳсулотлари нархлари, сифати, истеъмолчиларининг маҳсулот турларига бўлган талаблари ва эҳтиёжлари бўйича бозор талабларини ўрганиб боради.

Шунингдек, ушбу талаблар ва эhtiёжлар асосида махсулотларни ишлаб чиқариш, сотиш бўйича тадбирларни ўз вақти ва муддатларида амалга оширишни ташкил қилиш учун бошқарув органига доимий маълумотларни тақдим этиб боради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ғаллани етиштириш ва сотишда бозор тамойилини жорий этишнинг қўшимча чоратадбирлари тўғрисида» 2022 йил 28 майдаги ПҚ-262-сон қарорига асосан ун ва ун махсулотлари биржа савдолари орқали сотилиши белгилаб қўйилган.

Омухта ем махсулоти биржа савдолари орқали сотилади.

Жамиятда ишлаб чиқариладиган уруғлик дон Самарқанд вилоят ҳокимлиги тақсимоти асосида белгиланган тартибларда қишлоқ хужалиги корхоналарига сотилади.

### 3.2. Махсулотнинг асосий истеъмолчилари, таркиби

Жамият барқарор юқори талабга эга бўлган турли навли унлар ва аралаш озуқаларни ишлаб чиқармоқда. Ҳозир ишлаб чиқарилаётган махсулотлар ассортиментига қуйидагилар киради:

- олий, биринчи, витаминлаштирилган биринчи, иккинчи навли ун.
- аралаш озуқа ишлаб чиқариш ва бўш озуқага (озуқа аралашмалари) йўналтирилган
- 1999 йилдан жамиятда уруғлик буғдой ишлаб чиқарилмоқда.

### Махсулот ишлаб чиқаришнинг охириги 3 йиллик таҳлили ва 2026-йилга мўлжалланган режа.

Махсулотнинг номи	Ишлаб чиқариш натурала (тонна)			
	2023 йил	2024 йил	2025 йилда кутилмоқда	2026 йилга (режа)
Ун- барча навлари	8302	1946	823	1800
Кепак	2469	610	256	550
Омихта ем	4446	850	0	550
Уруғлик буғдой	5320	1931	2008	2000

### Барча навли ун

Ун ишлаб чиқариш учун маҳаллий хом-ашё ишлатилади. Ушбу махсулотни ишлаб чиқарилиши 1989 йилда йўлга қўйилган. Бугунги кунда ишлаб чиқариш ҳажми бир ойда 500 –тоннани ташкил этади. Жорий бозор шароитлари шундайки, ушбу махсулот турига талаб катта ва доимийдир. Ишлаб чиқарилаётган уннинг сифати (органолептик таркиби, намлиги, майдалаш ҳажми, кул таркиби) UZ.AMT.06.MAI.030 - сонли техник

шартларига мувофиқлаштирилган. Ўз навбатида у қайта ишланадиган маҳаллий юмшоқ бугдой навига мўлжалланган.

Унни қадоқлаш, маркалаш, транспортда ташиш ва сақлашга O`zDSt 1104:2015 техник талабларига асосан амалга оширилади. Тайёр маҳсулот бир марталик полиэтилен қопларига қадоқланади.

#### **Омихта ем**

Омихта ем хом-ашёсининг танқислиги туфайли асосан аралашма озуқа ишлаб чиқарилади. Омихта ем - аралашма озуқа таркибига: донли хом - ашё (тариқ, бугдой, жўхори, маккажўхори, жавдар, арпа), минерал хом ашё (кальций фосфати, оҳактош уни), оксил маҳсулотлари (пахта ва соя кунжараси, ҳайвон, балиқ уни, озуқа хамиртуриши), витаминли қўшимчалар (ўт - ўланли, премикслар). Барча озуқа аралашмалари таркиби кирувчи компонентлар ГОСТ ва техник шартлар билан тартибга солинган.

Омихта ем ишлаб чиқариш мақсадида маҳаллий захиралар ишлатилади (кунжара, ўсимлик уни, фосфатлар ва чиқиндилар, ишлаб чиқаришдан келиб чиққан кепак).

Омихта ем (аралаш озуқа) маҳсулотининг сифати амалдаги O`zDSt 3240:2017 техник шартлари бўйича тартибга солинган.

#### **Маҳсулотни қадоқлаш ва маркалаш**

Барча тайёр маҳсулотлар 50 ва 25 килограммлик полиэтилен қопларига қадоқланади. Полиэтилен қопларини ишлаб чиқарувчилар ўртасида бозор рақобатининг қаттиклиги сабабли нарх-наволар бир хилда. Шунинг учун тайёр маҳсулотларни қадоқлашда муаммолар йўқ. Қадоқлашда қуйидаги қоплар ишлатилади:

- 1 донаси ҚҚСсиз 3150 сўм нархда, ҳажми 55 x 110 см.;

Полиэтилен қоплари билан таъминловчи «НАРПАЙ МАЪРУФЖОН ҚОПЛАРИ» МЧЖ ҳисобланади. Қадоқланган маҳсулотни маркалаш мақсадида полиграфия фирмаларида ишлаб чиқариладиган турли хил ёрликлар ишлатилади. Қаттиқ рақобат ва маҳсулотни қадоқлашнинг ўзига хос омиллари ёрликларни юқори нархда сотиб олишга йўл қўймайди.

Ёрликнинг ўлчами 6,5 x 9,7 см ни ташкил этади. Бир дона ёрликнинг баҳоси 90 сўм (ҚҚС сиз). Қопларга ёрликларни ишлаб чиқарувчи «ФОКС ПРИНТ» МЧЖ ҳисобланади.

#### **Истеъмолнинг мавсумийлиги.**

Омихта ем каби маҳсулотларга талаб доимийдир, унга мавсум, йил фасллари таъсир қилмайди.

Унларнинг барча навларига қараганда, киш ва баҳор фаслларида уларга талаб ўсиб бориши кузатилади. Аҳоли совуқ пайтларда мева - сабзавот ўрнига ҳам унли маҳсулотларни кўплаб истеъмол қилади.

## Нархлаш

Уннинг нарх-навоси корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш таннархидан келиб чикиб рентабиллик даражасини маълум кўрсаткичини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади. Омихта емга келишилган нархлар рентабиллик даражасини маълум даражасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Маҳсулотнинг сотуви амалдаги очик улгуржи нархларида, ишлаб чиқарилган уннинг нави, қадоқлаш ҳаражатларини ҳисобга қўшган ҳолда олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 майдаги 284-сонли Қарорига 2-иловага асосан, 2022 йил ҳосилидан давлат ресурсларига харид қилинадиган бугдой учун дастлабки босқичда тўловни амалга ошириш нархлари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 майдаги 284-сонли Қарорига 3-иловага асосан, ички бозорда бугдой нархи барқарорлигини таъминлаш учун Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан бугдойни сотиб олиш ва биржа савдолари орқали сотиш тартиби тўғрисида вақтинчалик Низом тасдиқланди.

### 3.3. Рақобат

Маҳсулотларни сотишдаги асосий рақобатчилар яқин масофада жойлашган ун ва омихта ем ишлаб чиқарувчи корхоналардир.

10-жадвал

т/р	Рақобатчи корхоналар номи	Ишлаб чиқариладиган маҳсулот номи
1	“Жомбой дон маҳсулотлари” АЖ	Ун, омихта ем, уруғлик дон
2	“Самарқанддонмаҳсулотлари” АЖ	Ун, омихта ем, уруғлик дон
3	Самарқанд вилояти ҳудудидаги хусусий донни қайта ишлаш корхоналари	Ун, омихта ем
4	“Жума Элеватори” АЖ	Ун, омихта ем

Корхонада бозордаги улушини кўпайтириш мақсадида товарни олға суришга катта сарф-ҳаражат қилмасликка барча шароитлар мавжуд. Рақобатдаги асосий устунликлар куйидагилар:

1. Тайёр маҳсулотни тақсимлаш ва ташиш ҳаражатларининг пастлиги ҳисобидан келиб чиққан арзон нарх;
2. Маҳаллий ғалланинг кафолатли етказиб берилиши ва етказиб беришнинг товар кредити;
3. Маҳсулот сотиш соҳасида яхши йўлга қўйилган хўжалик алоқалари (биржа савдо)
4. Энг катта талабга эга бўлган навлар ассортиментидеги улушнинг ошиши;

#### 3.4. Маркетинг режаси

Жамият томонидан қуйидаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда:

- ✓ витамин минераллари билан бойитилган биринчи навли ун;
- ✓ омихта ем;
- ✓ уруғлик дон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 15 ноябрдаги “Ғалла етиштириш ва сотишда эркин рақобатни таъминлайдиган бозор тамойилларини жорий этиш тўғрисида” ги ПҚ-10-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида корхонамизда бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан:

Корхонамиз 2024 йил ғалла хосилини Дон кластерлари ва фермер хўжаликларидан Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасининг Тижорат вакили сифатида қабул қилди;

Ғалла хосили тоифаларга ажратилиб қабул қилиш белгилаб қўйилган, яъни Давлат захираси учун **“Жамғарма ҳисоби”**га, дон кластерлари ва фермер хўжаликларининг ғалласи **“Вақтинча сақлаш”**га ва корхона эҳтиёжи учун **“Эркин харид”** сифатида харид қилиш кўрсатилган;

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларига мувофиқ жамиятнинг 2025 йил учун “Бизнес режа” лойиҳасини кўриб чиқиш бўйича ўтган йилларда бажарилган ишлар ва хизматлардан келиб чиққан ҳолда ва бугунги кундаги бозорларни ўрганиб чиқиб, биржа савдоларидан керакли бўлган бирламчи хом ашёларни сотиб олиш, ишчи ходимларни доимий иш билан таъминлаш, ойлик маошларини ўз вақтида бериш, белгиланган ҳисоботларни тегишли тартибда белгиланган жойларга тақдим қилиш солиқ ва бошқа тўловларни тўлаш, ишлаб чиқарилган маҳсулотлари биржа савдоларида белгиланган график асосида сотиш масалаларини ўрганиб чиқиб ҳар томонлама мукамал ишлар олиб борилмоқда;

Жамиятда 2025 йилда 10400 тонна буғдойни қайта ишлашдан 7800 тонна ун ишлаб чиқариб, истеъмолчиларга сотиш режалаштирилган;

Корхонада асосий эътибор маркетинг режасини такомиллаштириш, уни талабга кўпроқ мос тушадиган ҳолатга келтиришга қаратилади;

Ун ва омихта ем маҳсулотларини сотишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 13 сентябрдаги

“Мамлакатимиз аҳолисини ва иқтисодиёт тармоқларини рақобат ва бозор механизмларини жорий этиш асосида дон, ун ва нон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 731-сонли қарори, 2018 йил 15 сентябрдаги “Республика аҳолисини ва иқтисодиёт тармоқларини рақобат ва бозор механизмларини жорий этиш асосида дон, ун ва нон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №1-сонли баёни ва 2018 йил 17 сентябрдаги “Республика аҳолисини ун ва нон билан ишончли таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги №2-сонли баёни ҳамда 2018 йил 28 сентябрда Республика Адлия вазирлигидан рўйхатдан ўтган “Дон ва ун маҳсулотларини биржа савдолари орқали сотишни ташкил этиш масалалари тўғрисида”ги № 01-03/1-2373-сонли йиғилиш баёнига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 14 октябрдаги “Дон, ун ва нон етказиб бериш тизимига бозор механизмларини тўлиқ жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги № 866-сонли қарори асосида амалда оширилади.

#### **IV. Энергоресурслар таъминоти ва уларнинг сарфи**

##### *4.1. Қувватларни модернизация ва реконструкция қилиш орқали энергияни тежаш ва самарадорликни ошириш бўйича Техник сиёсати*

Корхона ўзига телигишли “Тегирмон-110-10” под станциясидан фойдаланади. Ушбу станция Миллий Электр Тармоқларининг “Л-Кристал-110” ва “Л-Тегирмон-110” хаво линиялари орқали энергия билан таъминланади. Корхона станциянинг 3 та — Элеватор-10, Омихта ем цехи-10, Тегирмон-10 ячейкалари орқали электр энергияси олади. Корхона сув ва табиий газ тизимларига уланмаган.

Ҳозирга кунда корхонага локал тартибда 10 кВалик куёш панеллари ўрнатилган.

#### **V. Кўрсаткичлар**

##### *5.1. Ишлаб чиқариш режаси*

###### *5.1.1. Хомашё захираси*

1. Унни ишлаб чиқариш учун маҳаллий хом-ашё ишлатилади. Таъминотчилар Самарқан вилояти қишлоқ хўжалиги корхоналари (деҳқон-фермер хўжаликлари) ҳисобланади.
2. Маҳаллий буғдойдан 100% фойдаланиш республикани дон мустақиллиги стратегик вазифасига жавоб беради. Бозорнинг ушбу хом-ашё секторида корхона таъминотчилар билан шартномалар тузади ва мустақил равишда улар билан товарларни кредитлаш йўли билан ҳисоб-китоб қилади.
3. Омихта ем хом-ашёсининг танқислиги туфайли асосан аралашма озуқа ишлаб чиқарилади. Омихта ем - аралашма озуқа таркибига:

донли хом – ашё (тариқ, бўғдой, жўхори, маккажўхори, жавдар, арпа), минерал хом ашё (кальций фосфати, оҳактош уни), оксил маҳсулотлари (пахта ва соя кунжараси, ҳайвон, балиқ уни, озуқа хамиртириши), витаминли қўшимчалар (ўт -ўланли, премикслар). Барча озуқа аралашмалари таркиби кирувчи компонентлар ГОСТ ва техник шартлар билан тартибга солинган.

4. Хом - ашёнинг сифати ишлаб чиқариш технологик лабораторияси томонидан назорат қилинади.
5. Корхона ғалла донини вилоятимизнинг Нарпай, Иштихон ва Қўшрабод тумани класстерларидан қабул қилиб олади. 2026 йил ғалла хосили учун ғалла класстерлари билан жами тонна донга контрактация шартномалари тузилиши режалаштирилган. Шундан товар дон тонна, уруғлик дон тонна.

### *5.1.2. Тайёр маҳсулотнинг асосий тавсифлари*

Корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати ўз ичига қуйидагиларни олади: Технологик жиҳозларга эга асосий ишлаб чиқариш цехлари ва ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми.

- Бир суткада 150 тн. ун ишлаб чиқарувчи Тегирмон№2, ҳажми 1600 тонналик Омборхона №2.
- Бир суткада 291 тн омихта ем чиқарувчи цех.
- Асосий ишлаб чиқариш корпуси, хом ашё сифими ва тайёр маҳсулотлар омборхонаси ва премикс цехи мавжуд бўлган Омихта цехи.
- Шунингдек, корхонанинг комплексида сифими 25 минг тоналик 1 та элеватор, 5 минг тонналик 1 та, 8 минг тонналик 1 та ёпиқ сифимлар мавжуд.

Ёрдамчи цехлар таркибига қуйидагилар киради:

- механика цехи;
- электроцех;
- ишлаб чиқариш-технологик лабораториялари;
- транспорт цехи;

Транспорт инфраструктураси ўз ичига хом ашёни қабул қилиш бўйича авто ва темирйўл қурилмаларини, иккита автомобил тарозисини олади.



**«Оқтош дон» АЖнинг 2026 йил учун маҳсулот (хизмат)лар сотиш  
РЕЖАСИ\*\***

минг.сўм

№	Кўрсаткичлар, бажариладиган ишлар, маҳсулот номи	2024й. (факт)	2025й. 9 ойлик (факт)	2025й.		2026й. (режа)	Ўсиш, %	Жами тушум даги улуши	Шу жумладан				
				режа	кутилаё тган				1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	
1.	Жами соф тушум (эри солиқларсиз)	57173466	9590793	57914798	91726205	102447578	12	100%	20980643	20980643	34874393	25611899	
<i>шу жумладан, маҳсулот тури бўйича</i>													
2.	Ун маҳсулотлари сотишдан	7485291	283720	25767300	446466	5946428		18%	1486606	1486606	1486606	1486606	1486606
3.	Кепак сотишдан	575802	266507	4164642	416010	1316150		4%	329037	329037	329037	329037	329039
4.	Омихта ем сотишдан	2228770	0	4647856	0	1316150		4%	329037	329037	329037	329037	329039
5.	Уруғлик дон сотишдан	34135817	3763720	15640000	15437729	18525000		56%			13893750	4631250	
6.	Донни кабул қилиш ва саклаш хизматида	7566881	2316300	7700000	3000000	3660000		11%	915000	915000	915000	915000	915000
7.	Бошқа товар моддий бойликлар сотишдан	5180905	2960546		7000000	7500000		11%	1875000	1875000	1875000	1875000	1875000
8.	Жамгарма галласини сотишдан		50426900		65426000	65500000			16375000	16375000	16375000	16375000	16375000

## 5.2. Молиявий режа

### 5.2.1. Молиявий-иқтисодий кўрсаткичлар режаси (бюджети)

#### «Оқтош дон» АЖнинг 2026 йил учун молиявий-иқтисодий сметаси (бюджети) РЕЖАСИ

минг. сўм

№	Кўрсаткичлар	2024й.	2025й. 9 ойлк (факт)	2025й (кутила- ётган)	2026й. (режа)	Ўзгариш		Шу жумладан			
						(+/-)	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
1.	<b>Жами даромад</b> (эгри солиқларсиз), шу жумладан:	58541901	60022971	91731483	102447578	10716095	12	20980643	20980643	34874393	25611899
	соф тушум	57173466	60017693	91726205	102447578			20980643	20980643	34874393	25611899
	бошқа даромадлар	1368435									
	молиявий фаолият даромадлари		5278	5278							
2.	<b>Ишлаб чиқариш таннари</b>	51435387	58910476	89444529	100123627			20425220	20425220	34242281	25030906
	хомашё ва материаллар	45900982	52457641	81930204	92310682			18797789	18797789	31637433	23077671
	энергия ресурслари	981808	257510	360532	647626			132115	132115	221490	161906
	Ишчи-ходимлар иш ҳақи	1268395	914658	1351962	1352962			275800	275800	462371	337991
	ижтимоий сугурта харажати	155005	114668	162235	162235			33096	33096	55485	40558
	асосий воситалар (номоддий активлар) амортизацияси	318119	518224	730275	730275			182568	182568	182571	182568
	бошқа харажатлар	3702886	4905185	4909321	4920847			1003852	1003852	1682931	1230212
3.	<b>Давр харажатлари</b>	6967364	1005898	2059345	2048951			499323	499323	538062	512243
	сотиш харажатлари	116677	1896	4119	4100			996	996	1083	1025
	маъмурий харажатлар	1967818	473434	667892	667000			162081	162081	176080	166758
	бошқа операцион харажатлар, шу жумладан:	528869	530568	1387334	1377851			336246	336246	360889	344460
	ҳомийлик ва бегараз ёрдамлар										
	ишчи ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун оммавий-маданий ва концерт-томоша тадбирларини ўтказиш										
	Шахмат клубларига				5 000			1 250	1 250	1 250	1 250
	Болалар контентини ривожлантириш марказига				5 000						5 000

4.	Молиявий фаолият бўйича харажатлар										
	фоизлар шаклидаги харажатлар										
	валюта курси фарқидан зарарлар										
	молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар										
	Фойда солиғини тўлагунга қадар фойда (зарар)	229150	106597	227609	275000		56100	56100	94050	68750	
5.	Фойда солиғи	184155	82364	175259	175000		35700	35700	59850	437450	
6.	Соф фойда/зарар	44995	24233	52350	100000		20400	20400	34200	25000	
7.	ЕБИТДА кўрсаткичи (млн.сўм / %)										
8.	Дебиторлик	95095201	95354779	9812899	93128779		97928779	97428779	95428779	93128779	
9.	Кредиторлик	95648867	21135912	2008991	15887000		19889921	19389921	17389921	15887000	

### Соф фойдани тақсимаш

минг.сўм

№	Йўналишлар	Улуш, %	2024й. якуни	2025й. якуни (кутилаётган)	2026й. якуни (режа)	шу жумладан,			
						1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
	<b>Соф фойда</b>	100%	44995	52350	100000	20400	20400	34200	25000
1.	Дивиденд учун жами, шу жумладан	50%	22497	26175	50000	10200	10200	17100	12500
	имтиёзли акцияларга	5440	86						
	оддий акцияларга, шундан:	141319	22411						
	давлат улушига	503612	7986						
2.	Инновацион ривожлантириш фондига*								
3.	Захира фондига								
4.	Корхонани ривожлантириш учун		22498	26175	50000	10200	10200	17100	12500
5.	Бошқа мақсадларга								

### 5.2.2. Даромадлар шаклланишининг асосий манбаи (нархлар прогнози)

минг.сўм

№	Даромадлар манбаи	2024й.	2025й. 9 ойлик (факт)	2025й (кутилаётган)	2026й. (режа)	Ўзгариш		шу жумладан,				
						(+/-)	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак	
	<b>Жами</b>											
	Асосий фаолиятнинг даромади:	57173466	60017693	91726205	102447578	10721373	12	20980643	20980643	34874393	25611899	
	Ун маҳсулотлари сотишдан	7485291	286720	446466	5946428			1486606	1486606	1486606	1486610	
	Омихта ем	2228771			1316150			329037	329037	329037	329037	

сотишдан										
Кепак сотишдан	575802	266507	416010	1316150			329037	329037	329037	329037
Уруғлик дон сотишдан	34135817	3763720	15437729	18525000					13893750	4631250
Арпа сотишдан	382062									
Дон чикиндиси сотишдан	676540									
Бошқа товар моддий бойликлар сотишдан	2459949	2960546	7000000	7500000			1875000	1875000	1875000	1875000
Жамғарма бўғдойини сотишдан	1662354	50426900	65426000	65500000			16375000	16375000	16375000	16375000
Бажарилган иш ва хизматлардан	7566881	2316300	3000000	3660000			915000	915000	915000	915000

### Даромадлар таркиби

(Миллиард сўмда)



Ишлаб чиқариш таннархи таҳлили ёритилганда, биринчи навбатда:

- ишлаб чиқариш таннархи қайси харажатлардан иборат экани ва унинг асосий қисмини нималар ташкил этиши;
- жорий йил ва ўтган йиллардаги таннарх таркиби (ўзгариши, ўсиши/камайиши);
- таннарх ўсишига таъсир этган омиллар;
- таннархни камайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар ва уларнинг самарадорлиги;
- таннархнинг соф тушумдаги улуши;
- энергоресурслар ва хом ашё, материаллар нархининг ўзгариши;
- ҳар бир харажат турининг алоҳида таҳлили (уларнинг ўсиш, камайиш сабаблари);
- режалаштирилаётган йилдаги прогноз кўрсаткичлари батафсил ёритилади.

Шунингдек, маҳсулотлар тури бўйича битта birlik маҳсулот таннархи қанчани ташкил этиши, сотиш нархи ўртасидаги фарқ кўрсатилади.

Ишлаб чиқариш таннаркининг таркиби (шаклланиши)

минг.сўм

№	Харажатлар таркиби	Ўлчов бирлиги	Сони	2024й. (факт)	2025й. 9- ой (факт)	2025й. (кутилаётган)	2026й. (режа)	шу жумладан,					
								Ҳисоб (+/-)	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
1.	Таннарх, жами	минг.сўм		51345387	58910476	89444529	100123627	-	10	-235118	-235118	-235118	-235121
	Соф тушумдаги улуши таркиби	%	X	89.8	98.2	97.5	97.7	940475					
1.1.	Хомашё, материаллар, эхтиёт қисимлар, шу жумладан:	минг.сўм		45900982	52457641	76038656	78309781						
1.1.1	асосий хомашё	минг.сўм		44717979	52146027	75606252	77540768						
1.1.2	эхтиёт қисимлар	минг.сўм		201195	54104	71872	121387						
1.1.3	энергия ресурслари	минг.сўм		981808	257510	360532	647626						
1.2.	Ишчи-ходимларнинг иш хақи	минг.сўм		1268395	914658	1351962	2570645						
1.3.	Ижтимоий сугурта, харажати	минг.сўм		155005	114668	162235	308477						
1.4.	Асосий воситалар (номоддий активлар) амортизацияси:	минг.сўм		318119	518324	730275	1320918						
1.5.	Бошқа харажатлар:	минг.сўм		3702886	4905185	4909321	4920847						
<b>Махсулот (хизмат) тури бўйича</b>													
1.	Ун махсулоти	сўм		4543977	5234406	5224865	4702379	-	10				
2.	Омихта ем	сўм						522486					
3.	Уруғлик дон	сўм		7711705	6585517	6585517	6256241	-	5				
								329276					

5.2.3. Давлат бюджетига тўловлар

млн.сўм

№	Тўловлар	2024й. (факт)	2025й (кутилаётган)	2026й. (режа)	Ўзгариш		Шу жумладан			
					(+/-)	%	1-чорак	2-чорак	3-чорак	4-чорак
	<b>Жами</b>	4491.5	4466.3	4959.3	493	11	1124.6	1124.6	1446.6	1263.5
1.	Эгри солиқлар, шу жумладан:									
	ҚҚС	2048.5	1923.8	2150			430	430	731	559
	Акциз									
2.	Ер каъридан фойдаланганлик учун солиқ									
3.	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	11.4	12.1	13.9			3.3	3.3	3.3	3.4
4.	Фойда солиғи	64.2	109	150			30 ✓	30	51	39
5.	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, катъий белгиланган микдордаги солиқ суммалари ва ижтимоий солиқ	1051.8	910.2	910.2			227.5 ✓	227.5	227.5	227.7
6.	Мол-мулк солиғи	341.3	406.6	465.5			116.3	116.3	116.3	116.6
7.	Ер солиғи	974.3	1104.6	1270.3			317.5	317.5	317.5	317.8

**5 Самардорликнинг муҳим кўрсаткичлари (КРІ)**  
**Асосий кўрсаткичлар режаси ва салмоқ ўлчови**

№	Кўрсаткичлар	Норматив	1-чорак		1-ярим йиллик		9 ойлик		Йиллик	
			салмоқ ўлчови (удельный вес)	Мақсадли кўрсаткичлари (Прогноз)	салмоқ ўлчови (удельный вес)	Мақсадли кўрсаткичлари (Прогноз)	салмоқ ўлчови (удельный вес)	Мақсадли кўрсаткичлари (Прогноз)	салмоқ ўлчови (удельный вес)	Мақсадли кўрсаткичлари (Прогноз)
1	Соф тушум прогноз кўрсаткичининг бажарилиши (минг сўмда)		20	20980643	20	41961286	20	76835679	20	102447578
2	Соф фойда (зарар) прогноз кўрсаткичининг бажарилиши (минг сўмда)		20	20400	20	40800	20	75000	20	100000
3	Активлар рентабеллиги (фоизда)	> 0,05	15	0.05	15	0.05	15	0.05	15	0.05
4	Махсулот таннархини камайтириш (белгиланган тоширикка нисбатан фоизда)		10	0.85	10	0.85	10	0.85	10	0.85
5	Ишлаб чиқариш кувватидан фойдаланиш коэффициенти	>0,5	10	0.20	10	0.20	10	0.20	10	0.20
6	Қоплаш коэффициенти (тўлов қобилияти)	> 1,25	10	0.95	10	0.95	10	0.95	10	0.95
7	Молиявий мустақлик коэффициенти	> 1	10	0.24	10	0.24	10	0.24	10	0.24
8	Дивиденд ҳисобланиши (минг сўмда)		5	50	5	50	5	50	5	50
	<b>Жами:</b>		<b>100,0%</b>		<b>100,0%</b>		<b>100,0%</b>		<b>100,0%</b>	

**Кўшимча кўрсаткичлар режаси ва салмоқ ўлчови**

№	Кўрсаткичлар	Норматив	1-чорак		1-ярим йиллик		9 ойлик		Йиллик	
			салмоқ ўлчови (удельный вес)	Мақсадли кўрсаткичлари (Прогноз)	салмоқ ўлчови (удельный вес)	Мақсадли кўрсаткичлари (Прогноз)	салмоқ ўлчови (удельный вес)	Мақсадли кўрсаткичлари (Прогноз)	салмоқ ўлчови (удельный вес)	Мақсадли кўрсаткичлари (Прогноз)
1	Абсолют ликвидлик коэффициенти	> 0,2	10	0.001	10	0.001	10	0.001	10	0.001
2	Кредитор қарздорликнинг қунлик айланмаси	<90	10	90	10	90	10	90	10	90
3	Дебитор қарздорликнинг қунлик айланмаси	<90	5	90	5	90	5	90	5	90
4	Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти		20	0.5	20	0.5	20	0.5	20	0.5
5	Асосий воситаларнинг янгиланиш коэффициенти		15	0.6	15	0.6	15	0.6	15	0.6
6	Меҳнат унумдорлиги (минг сўм)		15	630000	15	630000	15	630000	15	630000
7	Фонд қайтими (Фондоотдача)		15	2.3	15	2.3	15	2.3	15	2.3
8	Ходимлар қўнимсизлиги коэффициенти		5	1	5	1	5	1	5	1
9	Энергосамардорлик (махсулот таннархида энергияга сарфланган харажатлар улуши, фоизда)		5	0.4	5	0.4	5	0.4	5	0.4
	<b>жами</b>		<b>100,0</b>		<b>100,0</b>		<b>100,0</b>		<b>100,0</b>	

## 6 Иш хақи тўлаш тизими

МИНГ.СЎМ

№	Ишчи-хизматчилар	2025 й. (кутилаётган)						2026 й. (режа)						Ўсиш, %
		Ўртача ишчилар сони	Иш хақи миқдори (қатъий белгиланган)	Байрам пуллари	Иш хақи устамалар	Мукофот пуллари	СМК	Ўртача ишчилар сони	Иш хақи миқдори (қатъий белгиланган)	Байрам пуллари	Иш хақи устамалар	Мукофот пуллари	СМК	
	<b>Жами</b>	90	3310267					90	3310267					
<b>I.</b>	<b>Бошқарув органлари</b>													
1.	Кузатув кенгаши	7	102000					7	102000					
	Ижроия органи	1						1						
	Ижроия органи раҳбари	1						1						
	Ижроия орган аъзолари													
<b>II.</b>	<b>Назорат органлари</b>													
	Тафтиш комиссияси													
	Ички аудит													
2.	Саноат-ишлаб чиқаришдаги ишчи-хизматчилар	74	2766888					74	2766888					
3.	Маъмурий бошқарув ходимлари	5	275862					5	275862					
4.	Техник ходимлар	4	165517					4	165517					

## ХУЛОСА

Бозорга кириб бориш учун хар бир корхонанинг ўз (бренди)таниқли номи бўлиши керак, шуни эътиборга олиб янгича дизайнли қопларда сифатли ун маҳсулотларни ишлаб чиқаришни, шу билан бирга омихта ем цехи хам ишга туширилиб, бозорбоп омихта ем ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хаммаси биржа савдоларига қўйилиб сотилмоқда.

Сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришнинг биринчи гарови бўлган сифатли хом ашё билан таъминлаш учун, яроқсиз холга келиб қолган элеватор ва омихта ем цехидаги аспирация тизимларига янги мотор редуктор эҳтиёт қисмлар ўрнатилиб ишга туширилди. Фойдаланмай ётган сепараторларнинг ситалари тўлиқ алмаштирилиб ишга туширилди.

Элеватордаги авария ҳолатига келиб қолган норияларнинг ленталари янгисига алмаштирилди. Ғаллани сифатли сақлаш мақсадида элеватор биносининг томлари чакка ўтмайдиган қилиб, тўлиқ ремонт қилинди. Автопрём (гуар) қайта таъмирланди ғалла ташувчи транспортёр ленталар алмаштирилди.

Маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий харажатлардан бири бўлган электр энергия сарфини камайтириш учун бир қанча ишлар амалга оширилди. Четдан мутахассислар чақирилиб, электр подстанцияларига ва цехларга ўрнатилган конденсаторлар фаолияти таҳлил қилинди.

Бозор иқтисодиётининг асосий ,муҳим қонуниятидан бири манаполияни йўқ қилиб эркин рақобатни ривожлантириш. Бизлар ҳозир кучли рақобатнинг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Асосий рақобатчиларимиз яқин атрофда жойлашган ун, ун маҳсулотлари ва омихта ем ишлаб чиқарувчи кичик хусусий корхоналардир.

Хусусий корхоналарнинг ҳудуд жиҳатидан, ишлаб чиқариш қуввати жиҳатидан кичиклиги ва бино иншоотларнинг кичиклиги, пировард натижада, ер солиғи, мол-мулк солиғи, иш ҳақи, амортизация ва бошқа харажатларнинг камайишига олиб келади, Ун ва ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришда бизга нисбатан кам харажат сарфлаши, бизга янада кўпроқ маъсулият юклайди, ўз устимизда кўпроқ ишлашга ундайди.

Мазкур корхоналар билан бозор иқтисодиёти даврида фақатгина сифатли, арзонроқ нархлардаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш билангина рақобат қилиш мумкин.

Корхонада сифатли ун, ун маҳсулотлари, омихта ем ва уруғлик ғаллани ишлаб чиқариш учун хамма шароитлар мавжуд;

Сув таъминоти, канализация билан, газ таъминоти билан, электр энергия таъминоти билан, тегирмон цехи янги замоний техник ускуналар билан , темир йўл ва автомобил йўллари билан ишлаб чиқариш лабораториялари билан ва малакали ишчи ва мутахассислар билан тўлиқ таъминланган.

Асосий эътибор мақсадсиз сарф харажатларининг олдини олиш, меъеридан ортикча сарфланаётган харажатларни аниқлаб чек қўйиш.

1. 2026 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш рентабеллик даражасини ошириш учун 1 сўмлик маҳсулотга сарфланадиган харажатларни 90 тийинга тушириш:

2. Корхона ишлаб чиқариш фаолиятини 100 млн сўмлик соф фойда билан яқунлаш режалаштирилди.

3. Бизнес-режа доимий ҳужжат бўлиб, ҳар чорак яқунлари билан қисман ўзгартириб борилади. Унга, ҳам корхонанинг ичида, ҳам умуман иқтисодиётдаги шароитларга қараб руй берган ўзгартиришлар киритилади.

Бизнес-режа жамият тараққиётининг умумий концепциясига асосланган бўлиб, ривожланиш стратегиясининг иқтисодий ва молиявий жиҳатларини бир мунча батафсил баён этади, аниқ чора-тадбирларни техник-иқтисодий жиҳатдан асослаб беради. У стратегиясини амалга ошириш техник, ташкилий ва иқтисодий ўзгаришларнинг маълум вақтгача ўзаро маҳкам боғланган бутун бир тизими сифатида тузилган кенг инвестиция дастурларига асосланади.

Бизнес-режа одатда бир неча йил ичида амалга ошириши керак бўлган ишларнинг бир қисмини ўз ичига олади.

«Оқтош дон» АЖ  
Бошқаруви раиси:



Б.Н. Сатторов

Бош ҳисобчи:

A handwritten signature in blue ink, likely belonging to M.Z. Doniyorov.

М.З. Дониёров

Иқтисодчи:

A handwritten signature in blue ink, likely belonging to U.B. Ortikov.

У.Б. Ортиқов